

Farg`ona haqiqati

№ 14
(24986)
2025-yil 4-aprel,
juma

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati

Хўжанд учрашуви – тарихнинг янги саҳифаси

Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришган бўлса-да, узоқ вақт улар орасидаги чегаралар ёпиқ эди. Тиконли сим тортиб, юзлаб километр хандақ қазилгани ҳам халқнинг ёдида. Бугун эса... дориламон замон келди. Ўзбек қирғизу тожик билан туғишган ака-ўкадек қадрдон. Байрам-у, тўю-томошаси бир-бирисиз ўтмайди.



2025 йил 31 март. Ҳар бир тошида карвонлар изи қолган, ҳар бир шамоли хануз мўмтоз шеърятдан пичирлайдиган қадим Хўжанд шаҳри минтақавий сиёсат тарихидаги бурилиш нуқтасига айланди. Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров ўртасида олий даражадаги учрашув ташкил этилди.

Самимий ва дўстона ўтган музокараларда уч давлат ўртасидаги яхши қўшничилик, азалий ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кун тартибидан жой олди.

Музокараларда давлатлар раҳбарлари олий даражадаги фаол ва ишончли алоқаларни давом эттиришга келишиб ол-

дилар. Энг муҳими, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда "Абадий дўстлик тўғрисида"ги Хўжанд декларацияси қабул қилинди.

Президентлар барча масалалар узил-кесил ҳал этилгани ҳамда давлатлар чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланганини юқори баҳоладилар.

Уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисида имзоланган шартнома барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга, бутун минтақанинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Хўжанд шаҳрида ўтган олий даражадаги тадбирлар дастурига мувофиқ, Президентлар уч давлат чегаралари туташган ҳудудда "Дўстлик стеласи"ни тантанали равишда очдилар. Ушбу ёдгорлик қардош мамлакат-

лар ўртасида мустақамланиб бораётган дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларининг янги рамзи сифатида тарих саҳифасига битилди.

Жаҳонда беқарорлик ва геосиёсий парчаланиш авж олаётган қалтис бир пайтда Марказий Осиё давлатлари нозик ишончдан тинчлик иморати қандай тикланишини амалда кўрсатди.

ЎЗА.

ВОДИЙДАГИ ВИЛОЯТЛАР ҲАЁТИ — ҚЎШ САҲИФАЛАРДА

Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

Farg`ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Баткен таңы

коомдук-саясий гезит

Ўзғирма аз 25 март
соли 1930 напир мешавад

ХАКИКАТИ СУҒД

Нашрияи Мақомоти иҷроияи ҳокимияти давлатии вилояти Суғд

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари Президентларининг Хўжанд учрашувида эришилган натижалар уч мамлакатнинг нафақат иқтисодий-сиёсий, балки ижтимоий, маънавий-маъ-

рифий соҳалардаги ўзгариш ва тараққиётга катта туртки берди. Ўзбек-қирғиз-тожик абадий дўстлиги ва қардошлиги тарихида янги саҳифа очди. "Фарғона ҳақиқати" – "Баткен тонги" – "Ҳақиқати

Сўғд" газеталарининг бугунги қўшма сониде қардош мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид янгиликлар, муҳим хабарлар билан танишасиз.

2-3-бетларда

Президент ташаббуси – амалда

"КАРКИДОН" СУВ ОМБОРИ АТРОФИДА САЙЁҲЛИК МАЖМУАСИ ЯРАТИЛАДИ

"Яшил макон" лойиҳаси умумхалқ ҳаракатига айланди. Фарғона вилоятида дастлабки йилда дарахт ва гуллар экилиб, кўча-хиёбонлар ободонлаштирилган эди. Бу йил эса улкан майдонларда янги боғ ва кичик ўрмонлар яратилмоқда. Масалан, эрта баҳорда Қува тумани ҳудудидаги "Каркидон" сув омбори атрофидаги 258 гектар майдон ўзлаштирилди. Бир неча кун давомида минглаб фарғоналиклар бу ерда қатъий режа ва лойиҳа асосида қаторлатиб дарахт кўчатлари экдилар. Бор-йўғи бир, бир ярим ой ўтди. Мунтазам қаров тўғрисида бугун ниҳолларнинг деярли барчаси, халқ тилида айтганда, "туттиб қолди".

– 108 минг тул дарахтлар экилди, – дейди Фарғона вилояти ҳокимлиги шўъба раҳбари Асилбек Нейматов. – Клён, сафора, арча каби 15 турдаги салқин берувчи, ўзидан кислот чикарувчи манзарали дарахтлар экиди. Майдонларга ташкилот, тадбиркор ва аниқ шахслар бириктирилган бўлиб, кўчатларни сўғириш ишлари уларга юклатилган.

Қувадаги бу ташаббус, "Каркидон" сув омбори атрофида яшил ҳудуд ва дам олиш масканлари яратиш вилоят миқёсидаги лойиҳа бўлгани учун ҳам шаҳар-туманлардаги сув ташиниш машиналари сўғириш ишига ёрдамга келди. Қир-адирларнинг тепаларига эса ҳозирча ситимлар қўйиб, томчилатиб сўғириш ташкил этилди. Энди бу ерларга 13 та тик қудук

қазилади ва 258 гектарнинг барчаси замонавий усулда сўғирилади.

Мазкур сув омбори 1964 йилда қурилган бўлиб, 180 миллион куб-метр сув сақлаш қувватига эга. У деҳқончилик учун хизмат қилади. Ҳамиша тоза ҳаво эсадиган қир-адирлар ўртасида жойлашгани боис ҳам вилоят ҳокимининг ташаббуси билан бу ерда сайёҳликка қаратилган 200 га яқин лойиҳа ишлаб чиқилди.

– Дор йўллари, рестороанлар, 10 гектарда эса гулбоғ қуриш ишларини бошлаймиз. Уни Дубайдаги гуллар боғи лойиҳаси асосида ташкил этишимиз, – дейди Асилбек Нейматов. – Шунингдек, сув омборининг юқори қисмида 400 ўринга мўлжалланган кўп қаватли замонавий

меҳмонхона қурилади. Бундан ташқари, сув йўли бўйларига коттежлар қурилади. Уларни оилавий дам олиш масканига айлантираимиз.

Икки ёнидаги тепаликлар орасига дор йўли тортилиб, ҳаракатланувчи олма кабиналар ўрнатилди. Улар икки қирғоқни бир-бири билан боғлайди ва дам олувчиларда унутилмас таассурот қолдиради.

Сув омбори бўлганидан кейин унинг қирғоқларида чўмилиш, сув аттракционлари бўлиши лозим. Ҳозирча қирғоқлар таъмирталаб, аниқроғи, талабларга жавоб берадиган қилиб, қайтадан жиҳозланиши лозим.

– Биринчи босқичда шағал ётқизилади ва кетидан кум билан қоплаймиз. Натижада аҳоли ва сайёҳлар учун қулай дам олиш масканига

айланади, – дейди Асилбек Нейматов. – Бу ерда чўмилиш, ювиниш, қуёш нурида тобланиш имкони яратилади. Болажонлар учун қўмил бурчаклар ташкил қилинади. Ҳар ерда енгил овқатланиш тамаддиҳоналар ҳам очилади.

Фарғонанинг оромийхона Шохимардон, Сўх каби дам олиш жойларидан ташқари, "Каркидон", "Езёвон" сув омборлари, Чимён, Аввал қишлоқларида сўлим зиёратгоҳлари ва яна бир неча туризм масканлари бор. Вилоят ҳокимлиги уларнинг ҳар бирида сайёҳликни ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Сарвар ОБИД.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.



Таълим ислохотлари

САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

Мамлакатимизнинг ишончи ва таянчи бўлган таълим тизимидаги янгиланишлар ўз-ўзидан соҳа ходимлари фаолиятида ҳам кўзга кўринарли даражада ўзгаришларга юз тутмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш, ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш бўйича вазифалар белгилангани айтиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг соҳани ривожлантиришга қаратилган қарор ва фармонлари ижроси бўйича мактабгача таълим ташкилотлари, мактабларнинг ички-ташқи қиёфасини янгилаш, таълим сифатини тубдан ўзгартириш орқали янги босқичга олиб чиқиш бўйича кенг ислохотлар олиб боришмоқда.

Фурқат тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги 37 та умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган 1809 нафар педагоглар таркиби ҳам сифат жиҳатидан яхшиланганини айтиб ўтиш жоиз. Кейинги йилларда олий тоифали ўқитувчилар 670, биринчи малака тоифага эга ўқитувчилар сони 940, иккинчи тоифали ходимлар 466 нафарга етди.

4-бетда



Иқтисодий-ижтимоий ривожланиш ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА

Сўғд вилоятида республика Президенти ва ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши натижасида муҳим аҳамиятга эга иқтисодий-ижтимоий иншоотлар бунёд этилмоқда, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида қатор ютуқлар қўлга киритилляпти. Муқтақиллиқнинг илк йилларидан бугунги кунгача вилоятда 1229 та саноат корхоналари ташкил этилиб, улар изчил фаолият юритиб келмоқда, 2024 йил якунига кўра, 847 та корхона ишлаб чиқариши жами саноат ўсишининг 68,9 фоизини ташкил этди.



Х ақиқатан ҳам, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги ютуқлари салмоқли. Утган йилда вилоятнинг ишлаб чиқариш ҳажми 42,4 миллиард сомони ташкил этиб, ўсиш суръати 108,3 фоизга етди ва вилоятнинг умумий иқтисодий ривожланишидаги улуши 27,7 фоизга тенг бўлди. Утган йилда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 30,3 миллиард сомониға етди. Ушбу даврда 424,5 минг тонна ун, 5563,1 тонна ўсимлик мойи, 7925,2 тонна макарон

маҳсулотлари, 62,8 минг тонна нон ва нон маҳсулотлари, 48,6 миллион қути турли консерва маҳсулотлари, 18,1 миллион декалитр спиртли бўлмаган ичимликлар ишлаб чиқарилди. Сўғд вилояти мамлакатнинг асосий саноат марказларидан биридир. Худудда металлургия, нефть, кимё, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Масалан, "Талсо" МЧЖ Марказий Осиёдаги энг йирик алюминий ишлаб чиқарувчи корхоналардан бири. Унинг маҳсулотлари ички ва халқаро бозорларда муҳим

ўрин тутати. "Хужанд кимё" МЧЖ эса кимё, қурилиш материаллари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаради. 60 йилдан зиёд вақтдан буйён фаолият юритиб келаяётган "Қолинҳойи Қайроққум" МЧЖ маҳсулотлари хорижий давлатларда ҳам харидоргир. Жумладан, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россия Федерацияси билан экспорт шартномалари имзолаган. Утган йили тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 900 минг квадрат метрни ташкил этди. Бундан ташқари, вилоятда нознергетик ма-

териаллар ишлаб чиқариш ҳажми 22,4 фоизга ўсиб, қурилиш гиштини ишлаб чиқариш 11,4 фоиз, бетон ишлаб чиқариш 31,9 фоиз ва пластик қувурлар ишлаб чиқариш 31,4 фоизга ошди. Вилоятимизнинг меҳнаткаш аҳолиси иқтисодий-ижтимоий соҳаларда муваффақиятларни ошириб бориб, юртимизнинг янада равақ топишига ўз ҳиссаларини қўшишда давом этадилар.

Тавҳида
ЖўРАЕВА.

ХАЛҚЛАРИМИЗ ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Уч қардош мамлакат раҳбарлари ўзбек, тожик, қирғиз халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш борасидаги сатъ-ҳаракатлари бутун тожик халқини хурсанд қилди, энг муҳими, уларнинг давлатга, Президентларга бўлган ишончини оширди.

Бугун давлатларимизнинг илм-фан, таълим соҳаларидаги алоқалари натижаси ҳам қувонарли. Жумладан, Сўғд вилоятида ўзбек дўстларимизнинг қўллаб-қувватлаши билан барпо этилган янги билим масканда 630 нафар ёшлар таълим олишмоқда. Ўзбек, тожик ва қирғиз халқлари қадимдан санъат ва маданиятни қадрлайдилар. Яқинда ўзбекистонлик бир гуруҳ санъаткорларнинг давлатимиз орденлари билан мукофотлангани ўзаро муносабатларнинг янада ривожланишига замин яратди.

Шоира
КАРИМЗОДА.



Истиқлол қуёши ОСТИДА

Муқтақиллик ёғдуси Сўғд вилоятининг аҳолиси учун нафақат ишлаб чиқариш, таълим ва соғлиқни сақлаш, балки инфратузилмани ривожлантириш, қурилиш ва ички шаҳарлараро йўлларни қуришда ҳам катта имкониятлар яратди. Жумладан, бу йил 2077 километр йўлни таъмирлаш ва янгилаш режалаштирилди.

Утган 2024 йилда ижтимоий, маданий ва ишлаб чиқариш соҳалари ривожлантирилиб, барча манбалардан 2 миллиард 9,8 миллион сомоний қийматдаги асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Бу аввалги йилга нисбатан 1,9 баробар кўпдир. 2024-2025 ўқув йилида вилоятда 959 та умумтаълим муассасаси фаолият юритмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасида 77 та объект қурилди ва таъмирланди. Бу йил вилоят шаҳар ва туманларида маҳаллий бюджет ва таъдбиркорлар ҳамда хайрия қилувчилар ҳисобидан 58 та спорт объекти, шу жумладан, 41 та спорт майдончаси, 14 та спорт зали, 2 та сувиш ҳавзаси ва 1 та спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Сўғд вилояти деҳқонлари ўтган йили 282,8 минг гектар ерга қишлоқ ҳўжалиги экинлари экиб, 22,3 миллиард сомонийдан ортиқ маҳсулот етиштиришди.

Ўзаро тажриба орқали ЮКСАЛИШ САРИ ҚАДАМ

А ксарият қишлоқ аҳолисининг томорқасида иссиқхона мавжуд. Жумладан, вилоят худудидидаги 112 та деҳқон ва жамоат ҳўжалиқларининг 29,4 гектар майдонида иссиқхоналар ташкил этилган. Ўз навбатида, етиштирилган маҳсулотларни яхши сақлаш, қишин-ёзн эл дастурхонига тортиқ этиш учун катта сийғимли музлатгичлар мавжуд. Жумладан, 29 та сақлаш иншооти, асосан, Панжакент, Бобожон Ғафуров, Ашт, Исфара, Спитамен каби туманларда жойлашган бўлиб, уларнинг умумий майдони 8374 квадрат метрни ташкил этади.

Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасидаги қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги савдо ҳамкорлиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Ўзбекистондан бугдой ва ун импорти кўпайган. Утган йили вилоятда мевани қайта ишлаш корхонаси ташкил этилди. 50 нафар



тожик мутахассиси Ўзбекистонда замонавий сўғориш технологиялари ва экинларни етиштиришни ўргандилар. Шу билан бирга, 30 нафар ўзбек мута-

хассиси мамлакатимизда боғдорчилик ва цитрус меваларини етиштириш соҳасида тажриба алмашдилар. Хозирги кунда ўзбекистонлик соҳибкорлар билан ҳамкорликда 50 гектар интенсиф боғ барпо этилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон олимлари томонидан яратилган бугдой уруғлари 7 та туманининг 40 гектар майдонида экилмоқда. Сўнгги йиллардаги ўзаро ҳамкорлик қўша корхоналар ташкил этиш, экспортни ривожлантириш, илмий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам бериб келмоқда. Булар, албатта, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бозорининг кенгайишига, экологик тоза маҳсулотларнинг қўлайлишига ва аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга ҳисса қўшади.

Нодиржон
ТУРСУНОВ.



Ёрқин дўстлик РАМЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига қилган сафари ва икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар тарихий хотираларга янги саҳифалар қўшмоқда.

2018 йили ҳар икки давлат раҳбарлари иштирокида Душанбеда "Низомиддин Алишер Навоий" номи замонвий боғ барпо этилди. Унинг марказида Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг янги асар таҳрири чоғидаги сўхбати акс этган ҳайкаллари қад ростлади. Тожикистон Республикаси давлат арбоби Ғафур Жўраев ижодида хос бу монумент ўзаро инсонпарварлик, дўстлик ва тинчликни тарғиб қилади. Бу ерга таширф бюрувчиларга ҳар икки шоир ижодидан баҳраманд бўлиш, улар ҳақидаги ибратомуз ҳикоялар билан танишиш имкони яратилди. Навоий Жомийдан анча кичик бўлсада, у улўғ инсондан таълим олди, ҳар бир асари устозининг муносабати, фикр-

мулоҳазалари билан бойиди. Шогирд устознинг асарларини туркий тилга таржима қилди. Уларда Жомийнинг сўз бойлиги ва ҳўззобонлигини сақлаб қолган. Келажакда Алишер Навоий битган "Хамса" достони халқларимиз адабиётида катта аҳамиятга эга бўлди, ҳатто Садриддин Айний ҳам бу мукамал асарни Шарқ адабиётининг энг яхши намунаси деб атаган. Ҳар икки сўз султонлари орасидаги қалин дўстлик умрларининг сўнгига қадар давом этди. Орадан қанча асрлар ўтди. Икки буюк мутафаккирининг "устоз-шогирдлик" анъанаси халқларимиз ўртасидаги ёрқин дўстлиқнинг рамзи бўлиб қолди.

Шоира САЛИМОВА.

ТУРИЗМ ҲАМКОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧДА



Хорижлик сайёҳларнинг мамлакатга келиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда Тожикистоннинг яқин ва олис мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон билан дўстлик, маданий ва иқтисодий алоқалари янги босқичга кўтарилди.

2018 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистоннинг давлат таширифи давомидида айнан туризм соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича муҳим келишувларга эришилди. Ўзбекистон статистика агентлигининг маълумотиға кўра, 2024 йилда Ўзбекистонга 8,2 миллион хорижлик сайёҳ келган бўлса, сайёҳларнинг аксарияти Тожикистон (2,1 миллион киши), Қирғизистон ва Қозоғистон фуқароларидир. Шуни таъкидлаш керакки, муқтақиллик йилларида Сўғд вилоятида 45 та туризм компанияси фаолият юритмоқда. Улар 205 та савҳат йўналишини ташкил этган ва барча тарихий маданий обидаларни қамраб олган. Шўбҳасиз, тожик ва ўзбек халқлари-

нинг тарихий-маданий яқинлиги, узок йиллик қардошлик алоқалари, ҳўнармандчиликнинг ривожланиши, иқтисодий муносабатларнинг мустаҳкамланиши орқали сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида туризм соҳасида барқарор ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Тожикистон ҳўкумати туризм ривожини янги босқичга олиб чиқиш учун солиқ ва божхона имтиёзларини яратди. Хусусан, туризм компаниялари фаолиятининг дастлабки беш йилида фойда солиғидан, туризм инфратузилмасини қуриш учун усқуналар ва қурилиш материаллари божхона йиғимлари ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади. Шунингдек, янги машиналар учун божхона йиғими 50 фоизга камайтирилган.

Файзуллохон ОБИДОВ.



Хўжанд қалъаси — тарихдан сўзлайди

Хўжанд қалъаси Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарларидан келган усталар томонидан қурилган ва унинг меъморий қиёфаси юксаклиги тожикистонлик усталарнинг қўли билан шаклланган.

Мазкур қалъа тожик халқи маданиятининг ажойиб намунаси бўлиб, аждодларимизнинг юксак санъати ва меъморий меросини ўзида мужассам этган. Бу жойдан археологлар томонидан топиладиган ноёб тарихий буюмлар қалъа VII асрда қурилгандан далолат беради. Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг раҳнаомлигида ушбу тарихий ёдгорлиқлар модернизация қилинди ва ҳўнармандлар томонидан нақшли деворлар, эшиклар ва залларни асл ҳолиға келтиришда юқори санъат меъёрларига амал қилинди. Хўжанднинг ривожланишига доир маълумотларға кўра, қадимда бу шаҳар турли халқаро бозорлар билан боғланган ва маҳсулотлари экспорт қилинган. Тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари келажак авлодларға бой маданий меросдир.

Рафоят МЕЪМИНОВА.



Айбек
ШАМЕНОВ,
Қирғизистон
Республикаси
Президентининг
Баткен
вилоятидаги
ваколатли
вакили



Фаровон ҳаёт пойдевори ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Жорий йилнинг 31 март куни қирғиз, ўзбек ва тожик халқлари учун тарихий кун сифатида битилди. Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида учрашиб, уч давлат чегараларининг кесишган нуқтаси ҳақидаги келишув ва Абадий дўстлик бўйича Хўжанд декларациясига имзо чекдилар. Бу халқларимиз келажаги учун муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур учрашув қардош халқлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаб, Фарғона водийсида жойлашган вилоятлар фуқароларининг асрлар оша давом этиб келаётган яхши қўшничилик муносабатларини янада яхшилаш, йирик иқтисодий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш,

сайёҳлик имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шунингдек, Президентларнинг ўзаро тушуниш ва тинчликка интилиши чегара масалаларини оқилона ва адолатли ҳал қилишга замин яратди. Уларнинг чегараларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатлари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга, ҳамкорлиқнинг ривожланишига йўл очади, албатта.

Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари дарахтларга ўхшайди — уларнинг кучи бирдамликда, шохлари келажакка йўналган, илдизлари эса дўстлик ва ҳамжиҳатлик тупроғидан озуқа олади. Президентимиз Садир Жапаров таъкидлаганидек, "Уч дарахт ёнма-ён ўсиб, илдизлари битта ерни обод қилади ва

мустаҳкамлайди".

Дарҳақиқат, азалий қардошлик алоқаларининг янада мустаҳкамланиб бораётгани, давлат чегараларининг тинч йўл билан ижобий ҳал қилинаётгани қирғиз, ўзбек, тожик халқлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда, улар бундан кейин ҳам дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ўз хиссаларини қўшишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Чунки биз биргаликда, ҳамжиҳатликда яшасакгина, минтақада барқарорлик ва тараққиёт таъминланади.

Бизларни асрлар давомида умумий тарих, маданият ва урф-одатлар боғлаб келмоқда. Чегаралар бизни ажратувчи тўсиқ эмас, балки бирдамликни мустаҳкамлайдиган кўприк бўлиши лозим. Тинчлик, бирдамлик ва ўзаро тушуниш барчамизни тараққиёт ва фаровон ҳаёт сари етаклайди.

31 март куни Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг учрашувида уч томонлама абадий дўстлик тўғрисида битим имзоланди.

Яхши қўшничиликнинг ЯНГИ ДАВРИ

Давлат раҳбарлари ушбу ҳужжатнинг имзоланиши мамлакатларнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлашга, шунингдек, Марказий Осиёда конструктив мулоқот ва самарали ҳамкорликка хизмат қилишини таъкидладилар.

Эришилган келишувлар ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, барқарорликни сақлаш ва минтақада интеграция жараёنларини ривожлантириш учун янги истикболларни очиб беради.

Бундан ташқари, уч мамлакат раҳбарлари давлат чегаралари чорраҳасида ўрнатилган "Дўстлик тимсоли" стеласининг очилиш маросимида иштирок этишди. Тантанали тадбир Хўжанд шаҳридан видеоконференция шаклида ўтказилди.

"Дўстлик тимсоли" ўзбек, қирғиз, тожик халқла-

рининг азалий қардошлигини ўзида мужассам этган ва мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик, ишонч ва яхши қўшничиликнинг янги даврини белгилайди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, уч томонлама саммит доирасида Қирғизистон Президенти Садир Жапаров ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Унда уч томонлама музокаралар яқунлари, уларнинг асосий натижаси сифатида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома имзолангани юксак баҳоланди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишдаги ютуқлар мамнуният билан қайд этилди. Давлат раҳбарлари ҳудудлар ўртасидаги фаол алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш муҳимлигини айтиб ўтдилар.



Кейинги уч йилда катта лойиҳалар АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Сулукта шаҳри баҳаво ҳудуд, жуда кўп сайёҳларни ўзига жалб этади. Эндиликда бу ерда замонавий туризм мажмуаси бунёд этилади. Бунинг учун истикболли лойиҳа давлат экспертизасидан ўтказилиб, 100 миллион сомдан ортиқ маблағ ажратилди.

"Белес резорт" — мамлакат Президентининг шахсий фонди ва давлат бюджети ҳисобига амалга оширилаётган учинчи йирик лойиҳадири. Шунингдек, Нурбек Баратов номидаги спорт комплекси учун — 30 миллион, Қўшматов номидаги мактаб-гимназия

учун — 297 миллион сом ажратилган. Бундан ташқари, давлат бюджетининг қўллаб-қувватлаш гранти ҳисобидан шаҳарда 8 та лойиҳа амалга оширилди. Бу йил яна 4 та лойиҳа тайёрланмоқда. "Қирғиз кўмири" давлат корхонаси Бектемиров номидаги

IT мактаби қурилишини жорий йил июнь ойида бошлайди. Бу каби хайрли ишлар чегара ҳудуди ҳисобланган Сулукта шаҳрига мамлакат раҳбари томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибордир. Қурувчи ва мутахассисларимиз бюджет маблағларидан самарали фойдаланиб, мақсадли лойиҳаларни бекаму кўст бажариш ҳаракатидалар.

Болот АБДУЖАПАРОВ,
Сулукта шаҳар мэри.



1 миллиард сом — ИЖТИМОЙ СОҲА УЧУН

Давлат раҳбари Баткен шаҳар иқтидорли ёшларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун футбол мажмуасини қуриш бўйича давлат барқарорлаштириш жамғармасидан 1 миллиард сом маблағ ажратди. Бундан ташқари, у келгуси йилларда вилоят марказини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадлари доирасида янги шаҳар марказини қуриш режасини айтиб ўтди.

Президент Баткенни ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор берилаётганини қўшимча қилиб, бу ерда барча шароитларга эга замонавий кўп қаватли бинолар қурилишини маълум қилди.

Нефтни қайта ишлаш заводлари ҚУРИЛАДИ

Жорий йилда Қадамжой туманида бир қатор саноат корхоналари фаолият бошлайди. Бу ҳақда туман ҳокими Болоткан Байекаев маълум қилди.

Ушбу объектлардан бири "Майдон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги нефть қазиб чиқарувчи корхона бўлса, иккинчиси, аввалроқ Бургунду водийсида 232 та нефть қудуғидан 50 тасини ишга тушириш лойиҳасидир. Ушбу лойиҳа умумий қиймати 78 миллион АҚШ долларини ташкил этади ёки кунига 150 минг тоннагача нефть ишлаб чиқарилади.



Ипотека уйлари БУНЁД ЭТИЛЯПТИ

Баткен шаҳрида биринчи марта бундай бунёдкорлик ишлари ўтган йилнинг кузига бошланди. Ҳозирда улкан қурилиш майдонида иш қизғин.

Вилоят бўйича умумий 69 турар жой қурилади. Кўп қаватли уйлар 2026 йилнинг охирига қадар тугалланади, босқичма-босқич эҳтиёжманд фуқароларга топширилади. Натижада 5000 нафар баткенликлар хонадон билан таъминланади. Қурилиш ишларига 400 нафардан ортиқ маҳаллий аҳоли жалб қилинган.

Илгари Россия Федерациясида меҳнат мигранти сифатида ишлаб юрган ёшлар энди узоқ манзилларга кетмасдан ўз юртларида муносиб иш билан таъминланиди.



Сунъий кўллар ЯРАТИЛМОҚДА

Баткен вилоятидаги кўп кенгликларда сунъий кўллар қурила бошланди.

Аймақ орқали олти дарё ўтган бўлса-да, уларни ўзлаштирилмаган ерларга етказишда муаммолар бор эди. Шунинг учун сунъий кўллар қуриш орқали бу ерларни ўзлаштиришга киришилди.

Ўш — Баткен — Раззаков магистраль йўли бўйидаги майдонларда қурилаётган сунъий сув омборлари айнан шундай ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг сезиларли ривожланишига хизмат қилади. Шунга ўхшаш сунъий кўллар Арк водийсида, Лайлак туманининг Тожикистон билан чегарадош ҳудудида қурилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги мутахассиси Бекболот Мадимаровнинг айтишича, вилоят бўйича 20 дан ортиқ сунъий сув омборлари қурилди.

Юқори сифатли эчки гўшти ва жуни ЕТИШТИРИЛАДИ

Баткен водийси тоғлари эчки боқиш учун жуда қулай ҳудуд. Собик совет иттифоқи даврида гўшти ва жуни қиммат бўлган эчкилардан кўп даромад олинган.



Баткен тумани бўйича 30000 та момиқ жунли эчкилар етиштирилади. Ҳозирда бу ҳайвонларни қайтадан кўпайтириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бу ҳақда Сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат органлари мутахассислари иштирокидаги йиғилишда айтиб ўтилди.

Маълум бўлишича, ҳозирда туманидаги "Тегирмон-боши" давлат хўжалигида 2000 та зотдор эчкилар боқилмоқда. Бу ерда озуқа захирасини яратиш мақсадида 37 гектар суғориладиган ерлар ўзлаштирилиб, фермерлик ривожлантирилди.

1 килограмм эчки жуни 3000 сомдан юқори баҳоланади. Ҳар бир эчкидан 300-400 граммгача жун олиш мумкин. Жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётган ҳудудий иқтисодий ривожланиш лойиҳаси доирасида фермер хўжаликларига 10 миллион сомлик қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш режалаштирилган.

Тиббиёт академияси МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Тиббиёт академиясининг ўқув, тиббий ва илмий мажмуаси ўтган ҳафтада Президент Садир Жапаров иштирокида очилди. Энди Баткен вилояти аҳолиси, аввалгидек, кўп вақт ва пул сарфлаб, ўш ёки Бишкек вилоятларига даво истаб бормайдилар, балки шу ерда энг яхши тиббий хизматлардан фойдаланадилар.

Тиббиёт академиясини қуришнинг умумий қиймати 391 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Мажмуа замонавий, барча қулайликларга эга, компьютер томографияси, рақамли рентген аппарати, ультратовуш ва эндоскопик тадқиқот ускуналари билан жиҳозланган.

Клиникада 76 ўринли шифохона, 96 ўринли ётоқхона, 160 ўринли конференция зали мавжуд. Унинг қурилишига 292 миллион сом, тиббий асбоб-ускуналар учун 99 миллион сом сарфланди.

— Тиббиёт масканининг асосий афзаллиги таълим ва амалиётнинг уйғунлиги, профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида талабаларни барқарор иш билан таъминлаш ва маҳаллий аҳоли учун малакали мутахассисларнинг юқори даражадаги маслаҳатларидан фойдаланиш, — деди Садир Жапаров мажмуанинг очилиш маросимида.

Тантанада давлат раҳбари мажмуага иккита тез ёрдам машиналарини топширди.



Саҳифани "Баткен тонги" газетаси
ижодий ходимлари тайёрлади.

(Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, мактаб таълимини тўдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислохотлар жадал давом этмокда. Тумандаги барча ўқув даргоҳларида меҳнат қилаётган педагог ходимлар малака тоифаларини ошириш – таълим сифатининг янада юқорилашига замин бўлмокда.

Таянч мактабларда ўқитувчилар учун махсус курслар ташкил этиб, уларнинг иштирокини қатъий назорат қилиш, юқори тоифали устозлар билим ва тажрибаларини оммалаштириш, ўқизиларида аттестация жараёнларида иштирок этган фан ўқитувчиларининг илгор иш услуб-



Таълим ислохотлари

Самарадорлик ОШМОҚДА

ларидан фойдаланиш, шунингдек, аттестацияда жалб қилинадиган ходимларнинг билимларини олдидан диагностика синов ўтказган ҳолда аниқлаш каби вазифалар изчил бажарилмокда. Бундай ташаббуслар педагогларимизнинг ўзларига ҳам маъқул бўлмокда.

Хорижий тилларнинг чўқур ўзлаштирилётгани бугунги замон устозларининг нечоғли билимдон, интилувчан эканидан далolat беради. Чет тилини билиш бўйича миллий ва халқаро сертификатга эга бўлиб бораётган ўқитувчиларимиз сони тобора ортиб бормокда. Утган йилда улар 148 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирда 175 нафар таълим фидойилари шундай сертификатлар эгасига айланишди.

Тумандаги мактабларда фаолият юритаётган педагогларнинг ўз устидан ишлаши, билимларини бойитиб бораётганликлари туфайли ўқув йили давомида қатор ютуқларга эришмокдалар. Хусусан, умумтаълим фанлари бўйича тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган педагогларнинг ҳар ойлик маошларига қўшимча устама тўланмокда.

Эндиликда тегишли сертификати бўлмаган хорижий тил ўқитувчиларининг рўйхатини шакллантириш, “устоз-шогирд” аънаси-га кўра, уларни етакчи ходимларга бириктирган ҳолда қўшимча равишда тўридан-тўғри ёки онлайн машғулотлар ташкиллаш, ўзаро таж-

риба алмашиш, ҳар бир синовдан олдин диагностика имтиҳонлар ўтказиб, аниқланган камчиликларни вақтида бартараф этиш каби вазифаларни белгилаб олганмиз.

Муассасаларимизда таълим самардорлигини ошириш, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаш, уларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш борасида сезиларли ишлар олиб борилмокда.

Таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимларини узлуқсиз касбий ривожлантириш ҳамда малакасини ошириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмокда. 2024 йилда 1810 нафар ҳамкасбларимиз Абдулла Авлоний номидиган педагогик маҳорат миллий институтида, вилоят педагогик маҳорат марказида, Фаргона давлат университетининг ҳарбий таълим кафедрасида касбий малакаларини оширди. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида 37 нафар мутахассислар касб маҳорати бўйича ўқиди.

Ҳар бир педагогнинг ўз касбига бўлган муҳаббати, соҳавий талабларини виждонан бажариши натижаси у билим бераётган ўқувчилар яшайётган самараларда яққол акс этади. Туман мактабларида таълим олаётган ўғил-қизлар ҳар жиҳатдан

тиришқок, зукколиги билан ажралиб туради. Фан олимпиадалари натижасига кўра, инглиз тили, она тили ва адабиёти, давлат ва ҳуқуқ асослари, информатика ва ахборот технологиялари, кимё, биология фанларидан ўқувчиларимиз тўплаган баллар юқори кўрсаткичларни ташкил этди. Бунда “Турон – одоб илм” хусусий мактаби, 23, 27, 31-умумтаълим мактабларини пешқадамлар сафида эътироф этиш мумкин.

Таълим самардорлигига эришишнинг яна бир йўли ўқувчиларга қулай шароитлар, имкониятлар яратиш билан чамбарчас боғлиқдир. 2024 йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг биринчи босқичида 1,3 миллиард сўм маблағ ҳисобига барча мактабларнинг ўқув хоналарига 700 та, 53 та давлат мактабгача таълим ташкилотларининг машғулотлар хоналарига 300 та он-лайн қулатув камералари ўрнатилди. Бу нафакат ўқитувчи ва тарбиячилар фаолиятини, балки ўқувчи ва тарбияланувчиларнинг таълим-тарбияси ҳамда тартиб интизомини назорат қилиш имкониятини бермокда. Хусусан, ҳозирда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг PISA тадқиқотларига доир тажриба синовларига тайёрларлик жараёнлари серебий платформаси орқали онлайн қулайлиб борилмокда.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 9, 27, 28-мактаблар моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 3,9 миллиард сўмлик 3 та лойиҳа ютиб олинган эди. Бунинг натижаси-

да 1298 та ўқув стол-стуллари, 49 та замонавий электрон доскалар, 30 та компьютер, 25 турдаги лаборатория жиҳозлари ва бошқа ўқув воситалари сотиб олинди. Бундан ташқари, 7-мактаб филиалини реконструкция қилиш ҳамда 6-мактабга янги, қўшимча ўқув биносини қуриш лойиҳалари ҳам ғолиб бўлди. Яна бир лойиҳа бўйича 12 турдаги касб-ҳунарга ўргатишга мослаштирилган жиҳозлар ва асбоб-ускуналар етказиб берилиши натижасида ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганиш ва касб-ҳунар эгаллаш имкониятлари кенгайди.

Умумтаълим мактаблари ва давлат мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини доимий таҳлил қилиб бориш мақсадида 20 та баҳолаш мезони татбиқ қилиниб, уларнинг фаолият рейтинги жорий этилди. Юқори натижаларга эришган ташкилот раҳбарлари бўлим жамғармаси ҳисобидан рағбатлантириб борилмокда.

Бугунги кунда туманда 53 та давлат, 5 та давлат-хусусий шериклиги асосидаги, 192 та нодавлат таълим ташкилотлари фаолият олиб бормокда. 3-7 ёшли болалар сони 10832 нафарни ташкил этиб, уларнинг 10463 нафари мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланмокда. Қамров кўрсаткичи 96,6 фоизни ташкил этмокда.

Айни чоғда қамров кўрсаткичлари паст бўлган “Жанкетмон”, “Қўқонбой”, “Катта янги”, “Жалоев” маҳалла фуқаролар йиғинларида оилавий нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, 1-сонли мактабгача таълим ташкилотида имконияти чекланган болалар учун 1 та инклюзив гуруҳини очиш бўйича ташкилий ишлар олиб бориляпти. 10 ва 45-сонли болалар боғчалари таянч муассасалар сифатида танлаб олинди, “Методик маҳорат кўни”да услубчилар учун маҳорат дарсларини ўтказиш белги-ланган.

Бугунги кунда таълим даргоҳларида ортикча қоғозбозликка чек қўйилгани қувонарли. Ўқитувчилар тайёрладиган ҳисоботлар, кераксиз қоғозлар сони кескин камайтирилгани таълимнинг бу босқичида катта ижобий ўзгаришларга замин бўлди. Шу сабаб, эндиликда ўқитувчининг дарсга тайёрларлик қуриши учун вақти етарли. Ўқувчи билан қўпроқ ишлай олади. “Қундалик” электрон таълим платформасининг кенг жорий қилингани ҳам имкониятлар даражасини оширди.

Туманимиз бўйича 2023-2024 ўқув йилини 1345 нафар битирувчилар тамомлади. Уларнинг 709 нафари республикамиз ва хорижий олий ўқув юртларига қабул қилинди. Бу ўқув йилидан ҳам яхши натижалар кўтиб қоламиз.

Мухаммаджон ОРТИҚОВ,
Фурқат тумани мактабгача
ва мактаб таълими
бўлими mudiri.

“Долзарб бир ойлик” давом этмокда



ТОМОРҚА – ҲАР БИР ОИЛАНING ДАРОМАД МАНБАИ

Президентимизнинг “Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги фармойишига кўра, 2025 йил 11 мартдан бошлаб томорқачиликда “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги эълон қилинди. Аҳоли хонадонларига 1,23 миллион бош парранда, 24 минг оила асалари, 21 минг бош қўй-эчки, қорамол етказиб берилади. Маҳаллаларда “Бир маҳалла – бир маҳсулот”, ижара ерларида “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида сардаромад экинлар экилади.

Олтиариқ туманидаги “Шарқ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Мухаммадали Мухторовнинг хонадонига маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари келишди. Улар 27 ёшли тадбиркорнинг томорқадан самарали фойдаланиш, иссиқхоначиликка илмий ёндашув асосида даромадли ва серҳосил экинлар қўчатларини етиштириш, томорқадан йилга уч-тўрт марта юқори сифатли ҳосил олиш борасида тўплаган тажрибаси билан танишдилар.

Болалигимдан дадамнинг ёнида юриб, томорқачилик билан шуғулланаётганимга 18 йил бўлди. Бу йиллар мобайнида ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган қимматли тажрибаларни илм-фан ютуқлари билан бойитиб, яхши натижаларга эришяпман, – дейди Мухаммадали. – Кеч қузакда бодринг ва аччиқ қалампир уруғларини махсус яшиқларга сеппиб, унинг чиққан ниҳолларнинг ҳар бир донасини алоҳида қоғоз стаканларга оламиз ва қўчатлар парваришини бошлаймиз. Бодринг қўчати бир ойда, аччиқ қалампир қўчати эса 110 кунда ерга экишга тайёр бўлади. Бу иш билан оила аъзоларимдан ташқари, 5-6 нафар аёллар доимий шуғулланади.

Фаргона политехника институтининг архитектура ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш факультетини тамомлаган Мухаммадалининг иккита иссиқхонасида бир текис яшнаб турган 45 минг туп қалампир, 4 минг туп бодринг қўчатлари экишга тайёр бўлди. Республикаимизнинг турли вилоятларидан томорқачилар келиб, уларни харид қилиб кетишпти. Унинг айтишича, экин қўчатларини маромига етказиб парвариш-лаш нозик масала. Қўчатларни ниҳоллигидан совуқ сув билан сугориб бўлмайди, илди-зига шикаст этади. Бу кейинчалик ерга ўтказилганда ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Бодринг қўчатларининг ярмини 9 сотих-ли иссиқхонанинг 5 сотихига экади. Апрель ойининг биринчи ҳафтасида янги узилган бодринг бозорга чиқарилади. Ташкент, Сурхондарё, Хоразмдан мижозлар келиб, харид қилишади. Қалампир қўчатларининг бир қисмини янги масвум учун уруғликка парваришлайди.

– Бодринг ҳосили май ойида тугайди. Унинг ўрнига ёзги ёки кузгисини экаман. Туркия ва Япониядан келтириладиган уруғ навлари серҳосил, лекин уларнинг ҳосилидан уруғ оймаймиз. Чунки, сифати айнидиди, жуда камҳосил бўлади. Шу боисдан ҳар йили “лидер” навли Туркия уруғларини келтираемиз. Бир дона уруғ 600 сўмдан, бир қўтисида 1000 дона – 600 минг сўм бўлади. Узимизнинг аж-додларимиз фойдаланган маҳаллий навлар уруғлари, афсуски, йўқ бўлиб кетган, – дейди у.

Томорқачи етиштирган қўчатлар узоғи билан 10-15 кунда тугайди. Бу тармокдан 15-16 миллион сўм атрофида соф даромад олади. Бодринг ҳосилдан ҳам мўнай даромад келади. 6 сотихли узумзорда “Ризанат ота”, “оқ ҳусайни” навли узумларнинг бозори чаққон бўлади. Ҳосилдорликка қараб узумчиликдан ҳам 15 миллион сўм даромадга эга бўлади.

Мухаммадали Мухторовнинг мақсадлари катта.

– Корея Республикасида магистратура босқичида ўқимокчиман. Шу мақсадда ҳозир корейс тилини ўрганяпман. Томорқачилик бўйича билим ва кўникмаларини янада ошириш, гидропоника усулида қулулпай етиштиришнинг Корея тажрибасини ўз кўзим билан кўриб, мукаммал ўрганаман. Шу асосда туманимизда бу соҳада катта-катта лойиҳаларни амалга ошириш ниятим бор, – дейди у.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

Кўқон шаҳри азалдан бир-биридан ҳашаматли бой тарихий обидалари билан барчани лол қолдириб келмокда.

Хонлик тарихидан бизгача етиб келган энг қадимги биналардан бири Чорсу майдонида қурилган Норбўтабий мадрасасидир.

Тарихий манбаларга кўра, 1763 йилдан бошлаб 1798 йилга қадар Қўқонда фаровонлик ўстувор бўлади. Об-ҳаво яхши келиб, деҳқонлар мўл ҳосил қўтарадилар. Рўзгор ва бозорга барака кириб, нарх-наво тушиб кетади. Давлат хазинаси билан бир қаторда, хоннинг хос хазинасига ҳам бойлик оқиб кела бошлайди.

Бу даврда Қўқон хони Норбўтабийнинг энг эзгу истақларидан бири – Бухоро ва Самарқанд мадрасалари даражасидаги мадрасаи олий қурмок эди. Уша пайтларда шаҳарда бир неча мадраса мавжуд бўлса-да, хонлиқнинг илми бўлган эҳтиёжини қондира олмас эди. Қўқонлиқлар илм олиш учун Бухоро ва Самарқандга бориб ўқиб келишарди.

Хон илм аҳли билан маслаҳатлашиб, бўлажак мадрасани хос хазинадаги даромад ҳисобидан қурадиган бўлади. Сўнгра меъморларни йиғиб, мақсадини баён қилади, уларнинг фикрини эшитди.

Меъморлар Ҳазрати олийнинг кўнгли муҳташам олий мадраса шаҳар марказида бўлишини тафаккур этишиб, Чорсуни мўлжаллашади. Бироқ у ердаги катта бозор уларни ўйлантириб қўяди. Бозорни бўлак ерга қўчириш ёҳуд мадрасага бошқа жой топиш кераклигини хонга айтишади.

Норбўтабий халойиқ ўрганиб қолган бозорни кўчиртиришни ўзига мувофиқ кўрмайди. Мадраса учун Чорсунинг шимол томонидаги Булжор мавзеси танланади. Бу ерга Янги чорсу номи берилди.

Қурилишга сарқор этиб бўлажак машхур меъмор Мирзо Ёлдорнинг отаси Абдулвасеъ муҳандис тайинланади. Унинг таклифи билан қурилиш ишларига қўқонлик Мухаммад Айюб нажор, Камолиддин сирчи, Мухаммад Амин муҳандис ҳамда бухоролик Мухаммад Солиҳ ва уста Қосим каби усталар жалб этилади.

Бино ўрни ўрганиб чиқилгандан сўнг, қурилиш ишлари бошланиб кетади. Эртаси кунийёқ жарчилар “Шаҳар ташқарисига чиқадиган аравакашлар қайтишида тупроқ ва шағал олиб келиб,



Бежизга “Инсон қўли гул” дейилмайди. Одамзод қўли билан яратилган, ҳозирги кунгача ўз салобати-ю, чиройини йўқотмай келаётган тарихий обидалар фикримизнинг яққол далилидир.

Тарихий мадраса – хонлик даврининг бунёдкорлик намунаси

бўлажак мадраса ўрнига тўқсинлар”, дея жар соладилар. Бунинг эвазига уларни бир йиллик солиқдан озод қиладилар. Тупроқ уюлгач, текислаш ва шиббалаш иши бошланади.

Тўқсонни қоралаб қолган қўқонлик машхур уста Қулмуҳаммад бобо мазкур қурилиш майдони яқинидан ўтаётиб, ишчиларнинг шибба уришини бироз томоша қиладди.

Ишни бошқариб турган сарқорлар устани таниб, ўндан маслаҳат сўрашганида, у “Қилаётган ишларингиз хом. Минг марта шибба уринг, тупроқнинг юзаси қотад-ю, таги бўшлиғича қолади, яхши от бозорини бирор йилга шу ерга қўчириш керак” дейди.

Ғапнинг мағзини тушушган сарқорлар устани Норбўтахон хузурига олиб борадилар. Хон бу таклифга рози бўлади. От бозори шу ерга қўчирилади. Икки йил мобайнида отлар ва одамлар бу ерни шиббалаб юборадиларки, ерга гўё харсанг ётқизилгандек бўлади. Шундан сўнг ҳижрий 1210 (милодий 1795) йилда қурилиш ишлари бошланади.

Пойдевор битгач, усталарнинг маслаҳати билан, у яхши ўрнашиб олгунича қурилиш иши бироз тўхтатилади. Тан-наффус пайтида усталар гишт пишириш, ганч қуддириш, иморатнинг ёғоч қисмларини тайёрлаш билан машғул бўладилар.

Ҳижрий 1213, милодий 1798 йилда мадраса битказилади. Бино тўғри тўртбурчак шаклида томонлари 52х72 метр узунликда бунёд этилади. Бинонинг муҳташам пештоқ қисми шимолга қаратилди. Тўрт бурчагига катта ҳажмдаги буржлар – минорасимон унсур қўйилди. Дарвозахонанинг (Миёнсарой) ғарб томонида мадраса масжиди, шарқ томонида катта дарсхона joyлашади.

Миёнсаройдан дарсхоналар йўлаги орқали ички ҳовлига кирилади. Ички ҳовли квадрат шаклида бўлиб, 38х38 метрدير. Ички ҳовли қирқ хужра билан ўраб олинган. Дарвозахона, масжид, катта дарсхона тоmlари гўмбаз услубида ёнилан.

Норбўтабий ортикча безак ҳашам-

лардан йироқ бўлганлиги сабабли мадраса қурилишида безак ва нақшлар жуда кам ишлатилди. Тўласича гиштдан қурилган бинонинг тўқчи деворлари-га ҳеч қандай безак берилмай, гишт чоқлари анғоб услубида тўлдирилиб, силлиқланади. Хужра ва дарсхоналар ганч ва ганчгоҳ билан сувабли, нақш солинмаган. Фақат масжид ва катта дарсхоналаргина ганчкор нақшлар билан зийнатланган. Масжид меҳроблари ганч мукарнаслар билан кўркам қилинган.

Дарвозахона ва эшиклар қайрағоч ҳамда ёнғоқ ёғочидан тайёрланиб, уларга саёз ўйма нақшлар туширилган. “Мадрасаи Мир” биноси Бухородаги Қўқалдош, Абдулазизхон, Мир Араб мадрасалари биномарига ўхшаб кетади.

Муборак Рамазон ойининг Лайлатул-қадр кечасида мадраса очилиши шарафига катта ифторлик ўтказилади. Мадрасага Мухаммад Яъқуб оҳунд хазратлари бош мударрис этиб тайинланади.

Мадраса очилиши арафасида уламо-лар Норбўтабийнинг саовбли амаллари ва яхши фазилатларини эътиборга олиб,

у кишига “Амир ал-муслимийн” унвонини берадилар. Мана шу унвон туфайли мадраса номи “Мадрасаи Амир-ал муслимийн” деб номлайдилар.

Дарвоқе, Норбўтабийни буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи, иктисодчи ва илм-маърифат намоёнаси деб бемалол айтишимиз мумкин. Чунки унинг дав-

рида Фаргона водийсида марказлашган давлат тузишга эришилди, пул ислохоти ўтказилди, хонлиқнинг иктисодий аҳволи яхшиланди.

Халқ талаффузида ҳар қандай номни ихчамлаштириш урф бўлганлиги сабабли Норбўтабий мадрасаси ҳозирда “Мадрасаи Мир” деган шаклга келиб қолган. Мадраса номи расмий доиралар ва ҳужжатларда “Мадрасаи Мир” деб, халқ орасида “Норбўтабий мадрасаси” тарзида номланиб келинмокда.

1960-1970-йилларда бино масжид тасарруфига берилди. Мустақиллик йилларигача “Мадрасаи Мир” биноси Қўқон воҳасидаги ягона масжид бўлиб келди. Жума кунлари намозга атроф туманлар ҳамда Исфара, Риштон, Поп ва Қирғизистондан ҳам намозхонлар келган. Шу боис, масжид олдидаги катта майдонда фақат жума кунлари ишлайдиган, халқ тилида “жума бозори” деб номланган бозор қайдо бўлади.

Мадраса шу пайтга қадар бир неча марта таъмирланди. 1990-йилларда ўтказилган таъмирда ўзбошимчаликка йўл қўйилиб, бинонинг масжид ва катта дарсхоналари сиртига оқ ту-нука қопланиб, бинонинг меъморий жиҳатлари қўпол тарзда бузилди.

2010-2011-йилларда олиб борилган мукаммал таъмирлаш пайтида шаҳар илмий жамоатчилигининг талаби билан бино асл ҳолига келтирилди, унинг олди-даги майдон очилиб, мадрасанинг бетак-рор кўрқи ва маҳобатини намоиш этиш имконияти яратилди.

Наргиза ТўРАҚУЛОВА,
Қўқон давлат музейи қўрқонхонаси
филиали адабиёт музейи илмий
ҳодими.

Фаргона вилоят ИИБ томони-дан Тожибоев Мирзатилло Абдурахмонович номига 2012 йил 2 августда берил-ган 2309-сонли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalar i tahririya ti	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациялар хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фаргона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakatov nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсий шаҳар, Чорбў кўчаси, 17. Буюртма: 11359.	Бизнинг манзил: 150114, Фаргона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош мухаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кўни чиқади. Алади: 2329 нухса.	Баҳоси келишилган нархда.	Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
		Навбатчи мухаррир: Маҳиёра Бойбобоева.	Саҳифаловчи: Алишер Розиков.
			Босишга тошириш вақти: 16.00. Тоширилди: 16.00.

